

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

САМАРҚАНД ИҚТИСОДИЁТ ВА СЕРВИС ИНСТИТУТИ

«Сервис ва туризм» факультети

«Халқаро туризм ва туризм сервиси» кафедраси

«Ҳимояга тавсия этилди»
“Халқаро туризм ва туризм
сервиси” кафедраси мудири,
и.ф.н. Р.С.Амриддинова

Баённома № 10 2014 й. 26 май

**5811700 - «Туризм ва меҳмонхона хўжалиги сервиси»
таълим йўналиши**

**ТМС-310 гуруҳ талабаси Нарзуллаева Ҳилоланинг
«ХИТОЙ ХАЛҚ РЕСПУБЛИКАСИДА ЖОЙЛАШТИРИШ
ВОСИТАЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШ ХУСУСИЯТЛАРИНИ
ЎРГАНИШ ВА ЎЗБЕКИСТОНДА ҚЎЛЛАШ ИМКОНИЯТЛАРИНИ
БАҲОЛАШ» мавзусида**

**БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ
ИШИ**

Илмий раҳбар катта ўқитувчи Ҳайдаров С.А.

САМАРҚАНД – 2014

КИРИШ.....	5
I- ЖОЙЛАШТИРИШ ВОСИТАЛАРИНИНГ ТУРЛАРИ ВА	
Боб. УЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ ИМКОНИЯТЛАРИ.....	7
1.1. Меҳмонхонанинг келиб чиқиш тарихи.....	7
1.2. Меҳмонхона хизматларининг мазмун моҳияти.....	11
1.3. Меҳмонхонада мавжуд хизматларнинг турлари ва уларнинг тавсифи.....	16
II- Осиё мамлакатларида туризмнинг ривожланиш	
Боб. хусусиятлари.....\	23
2.1. ХХРда туризмнинг ривожланиш хусусиятлари.....	
2.2. Жануби-шарқий Осиё мамлакатларида туризмнинг ривожланиши.....	23
2.3. Меҳмонхона хўжалигида ҳаёт фаолияти хавфсизлигини таъминлаш чора тadbирлари.....	26
III- ЎЗБЕКИСТОН МЕХМОНХОНА ХЎЖАЛИГИДА ХХР	
Боб. МЕХМОНХОНА ХЎЖАЛИГИ ТАЖРИБАСИДАН	
ФОЙДАЛАНИШ ИМКОНИЯТЛАРИ.....	29
3.1. Ҳалқаро ва ички туризмда жойлаштириш воситаларидан фойдаланишда ХХР тажрибасини ўрганиш.....	36
3.2. Ўзбекистон ва ХХРнинг ҳамкорлиги.....	40
Хулоса.....	43
Тавсиялар.....	44
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.....	45
Иловалар.....	47

КИРИШ

Хитой туризм соҳасининг ривожлантиришнинг жуда катта салоҳиятига эга бўлган давлатдир. Бу ерда кўпсонли тарихий обидалар, бой табиий масканлар жумладан баланд тоғли ҳудулар, оппоқ қумли пляжлар, ўнлаб миллий боғларни айтиш мумкин. Кейинги йилларда эса улар қаторига миллинлаб одамлар яшайдиган замонавий мегаполислар ҳам қўшилди. Шундай катта бойликларга эга бўлсада, туризмнинг ривожланиши нисбатан жуда яқинда бошланди дейиш мумкин. Бу ХХРнинг ички ва ташқи сиёсати билан боғлиқ эди. Расман замонавий туризмнинг бошланиши 30 йиллар олидин бошланди дейиш мумкин. Бу сиёсатнинг очиклик принципи билан бевосита боғлиқдир. Узоқ йиллар мобайнида ёпиқ давлат сифатида маълум эди. Дастлабки туристлар сифатида яъни 1979-1988йилларда америкаликлар ва японларнинг келганлигини айтиш мумкин айтиш мумкин. Туризмнинг ривожланиши аста-секинлик билан жойлаштириш тизимини такомиллаштириш эҳтиёжини келтириб чиқарди. Бу соҳа кейинги ўттиз йилда такомиллашган бўлсада, бу соҳанинг ривожланиши узоқ тарихга бориб тақалади. Хитойнинг меҳмонхона хизмати ва уни юритиш борасидаги тажрибаси Мустақил Давлатимиз учун ҳам катта аҳамиятга эга.

Мавзунинг долзаблиги. Кейинги ўн йилликда туристик бизнес Хитой учун иқтисодиётнинг тадрижий ривожланаётган тармоқларидан бирига айланди. Шундан келиб чиққан ҳолда энг зарур талаблардан бири меҳмонхоналар эди. Дастлаб режага асосан кичик меҳмонхоналар қурилишига эътибор қаратилган бўлса, кейинчалик йирик меҳмонхоналар қурилиши бошланди. Маълумотлар Хитойнинг бой тарихи, маданияти билан Ўзбекистон тарихий ва маданият хусусиятларига кўра яқинлиги борлигини кўрсатади. Иқтисодий кўрсаткичларга кўра илгарилаб бораётган Хитой тажрибасини ўрганиш туризмнинг жумладан, меҳмонхона бўйича тажрибасини ўрганишни бугунги кундаги долзарб масалалардан биридир.

Тадқиқот мақсади. ХХР жойлаштириш тизимидаги ўзига хосликни таҳлил қилиш ва олинган натижалар асосида Ўзбекистон жойлаштириш тизимида Хитой тажрибасини қўллаш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш.

Вазифалар:

- Мамлакат табиий иқлимий, ижтимоий-демографик, иқтисодий ва тарихий-маданий хусусиятларини, меҳмонхоналарнинг таркиби ва меъморий тузилишини ўрганиш;

- Хитой тажрибасига асосланиб мамлакатимиз жойлаштириш тизимида илмий-амалий таклифлар ишлаб чиқиш;

- Хитойда кичик типдаги меҳмонхоналарнинг шаклланиш босқичларини ўрганиш;

Тадқиқот объекти - Хитой кичик меҳмоналар тизими ва меҳмона комплексларидаги хизмат кўрсатишда миллийлик хос хусусиятлар.

Тадқиқот предмети - Ўзбекистон жойлаштириш тизимини такомиллаштиришда Хитой тажрибасига асосланиб, меъморий, табиий-иқлимий, ижтимоий демографик хусусиятларини ўрганиш.

Тадқиқот услублари

- Хориж ва ватанимиздаги шу йўналишдаги тадқиқотларни ўрганиш;

- Меҳмонхоналарни ўрганишда комплекс ёндашиш методига асосланиш ва танлаган объектни , ижтимоий-демографик, иқтисодий ва тарихий-маданий хусусиятларини тадқиқ қилиш;

- Қиёсий таҳлил қилиш асосида икки мамлакатнинг жойлаштириш тизимини таҳлилини олиб бориш;

- Ижтимоий, графоаналитик, натура усуллари асосида ўзига хосликни очиқ бериш белгиланди.

I.БОБ. ЖОЙЛАШТИРИШ ВОСИТАЛАРИНИНГ ТУРЛАРИ ВА УЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ ИМКОНИЯТЛАРИ.

1.1. Меҳмонхонанинг келиб чиқиш тарихи

Меҳмонхона саноати корхоналарининг юзага келиши қадимги Рим билан алоқадордир (тахминан эр.ав. 50-йиллар). Рим Империяси йирик бўлганлиги сабабли амалдор ва савдогарлар тез-тез ташқарига чиқиб тўрганлар. Натижада уларни жойлаштириш учун доимий ховли-жой ва таверналар юзага келган.

Рим давлатининг асосида қатъий синфий тизимнинг мавжудлиги жой билан таъминлаш корхоналари ривожига ҳам эътиборни кучайтирди. Хатто давлат амалдорлари йўлга отланишдан аввал ўз қўл остидагилари орқали жойлашиш ўрнини келишиб олишга одатландилар.

Қадимги Римдаги кўниб ўтиш манзиллари асосий йўл бўйида ва қишлоқларда жойлашган, фақат қулайлик ҳақида гап бўлиши мумкин эмасди. Рим Империясининг қулаши билан ховли ва таверналар ўз - ўзидан инқирозга учради. Фақат 4 асрдан сўнггина, Ўрта аср даври (500- 1300 й.) бошлангунгача, янги турда жойлаштириш корхоналари юзага кела бошлади. Жаҳон меҳмонхона саноати ривожига Ўрта асрларда Англияда содир бўлган жараёнлар ҳам ўз таъсирини ўтказди. 1066 йилда Англиянинг истило қилиниши оқибатида саёҳатчилар сони ошди. Хусусий уйлар меҳмонхона ўрнини босди ва ховлилар тижорат корхонаси сифатида қўлланди. Ўрта асрларда одамлар муқаддас жойларга кўпроқ ташриф буюра бошладилар. Ўсаётган талабни қондириш мақсадида турар жойларни кенгайтирилди. Уйғониш даврига келиб эса, Европада иқтисодий ўсиш бошланди, мамлакатлараро алоқалар мунтазам йўлга қўйилди.

Инглиз ховлилари ёғочдан қурилган, йирик саёҳатчилар эса тошли қасрларда ва монастрларда тўхташ унда яшаб туришни хоҳлаганлар, бу жойлар қароқчилар ҳужумидан ишончли химоя қилинган. Лекин уйғониш даврида киро́л Генрих VI монастрларни тарқатиб юбориш ҳақида фармон

берганидан сўнг, саёхатчилар ховлиларда қолишга мажбур бўлдилар. Европа ва Америка бўйлаб саёхатга чиқа бошлаган инглизлар аста - секин уй қуриш ва уни бошқариш сирларини ўзлаштирдилар.

Бугунги кунда дунёда 30 мингдан зиёд турли отеллар мавжуд. Аниқроғи, бу кўрсаткич “Reed Travel Group” нашриёти томонидан чоп этилган “Official Hotel Guide-96” каталогида кўрсатилган. Бу меҳмонхоналардаги умумий номерлар сони 12 млн. ни ташкил қилади.

Европа минтақасида номерлар сони кўп. Иккинчи ўринда Америка ва ундан сўнг Шарқий Осиё туради. 1995 йилда АҚШнинг ўзида 82 минг ўринли меҳмонхоналар қуриб битирилди. Жадал қурилишлар туристлар кўп борадиган жойларда давом этяпти. Бу Жануби – шарқий Осиё ороллари, масалан, Бали (Индонезия) ва Пхукет (Таиланд) дадир.

Дунёдаги энг йирик отель Таиланднинг Патайя шаҳрида жойлашган “Ambassador City Jomtien” дир. У 5100 номерли бўлиб, 40 мт атрофидаги майдонни эгаллайди.

Жадвалда кўрсатилишича, 20 та энг йирик отелларнинг 13 таси Лас – Вегасда жойлашган. Замонавий Лас-Вегас алохида йириклиги билан фарқланади. Яқиндагина энг йирик деб ҳисобланган (масалан, 1515 ўринли “Caesuras Palace”) бугун 20 та энг йирик отеллар рўйхатига ҳам кирмай қолди. Лас-Вегас – бу умум эътироф этилган хордиқ саноатининг лидери саналади. Шаҳарда 50 та казино бўлиб, уларнинг кўпи отель ҳудудларида жойлашган. Ушбу отеллардаги апартаментлар ўлчами ва қулайлиги жихатидан энг катта ва яхшисидир. Бунда мини-бассейнлар, бир нечта йирик телеэкранлар, 2 ва ундан ортиқ хоналар, хол ва ётоқхоналар, ошхона ҳамда барлар мавжуд. Бундай апартаментлар бинонинг алохида ажратилган томонида жойлаштирилган ва хусусий яъни атаб қўйилган жой (брон қилиш) хизматига ҳам эга.

Дунё бўйича энг йирик отеллар

Меҳмонхона номи	Жойлашган ўрни	Номерлар сони
“Ambassador City Jomtien”	Таиланд	5100
“MGM Grand”	Лас-Вегас	5005
“Excalibur”	Лас-Вегас	4032
“Flamingo Hilton”	Лас-Вегас	3642
“Las Vegas Hilton”	Лас-Вегас	3174
“The Mirage”	Лас-Вегас	3049
“Monte Carlo”	Лас-Вегас	3014
“Treasure Island”	Лас-Вегас	2900
“Bally’s”	Лас-Вегас	2814
“Circus Circus”	Лас-Вегас	2793
“Imperial Palace”	Лас-Вегас	2636
“Luxor”	Лас-Вегас	2523
“Hilton Hawaiian Village”	Гонолулу	2523
“Stardust”	Лас-Вегас	2335
“New York Hilton”	Нью-Йорк	2131
“Disney’s Carribean Beach Resort”	Орландо	2112
“Riviera”	Лас-Вегас	2109
“Disney Dixie Landing”	Орландо	2048
“Hyatt Regency”	Чикаго	2033
“Hotel Parque Ten-Bell”	Лас-Галлетас (Испания)	2004

Кўпгина казиноли отель номерлари бадавлат мижозлар учун махсус сақланади, уларнинг нархи 1000 доллардан 25000 долларгачадир. Баъзан казинога келадиганлар у ерда энг қиммат номердан ҳам ошиқроқ маблағни

ташлаб кетадилар. Шунинг учун бундай меҳмонхона ходимларининг энг асосий вазифаси аввало миждознинг талаб ва истакларини қондиришдан иборат.

Ҳозирда жаҳон бўйича меҳмонхона ўринларнинг сони 17,5 миллиондан ортиб кетган. Уларнинг 37,8 фоизи Европада, 35 фоизи Америкада, 22,2 фоизи Осиё ва Океанияда, 2,8 фоизи Африкада ва 2,2 фоизи Ўрта Шарқ минтақасида жойлашган. Дунё мамлакатлари бўйича таҳлил қилинадиган бўлса, меҳмонхоналарнинг аксарияти АҚШ, Япония, Италия, Германия, Хитой, Франция, Мексика, Канада, Таиланд, Греция, Австрия, Индонезия, Австралия, Россия, Туркия ва Аргентина мамлакатларида жойлашган. қолган мамлакатларнинг бирортасининг эгалик қилаётган ўринларининг сони дунё бўйича умумий кўрсаткичнинг 1 фоизга етмайди.

2-жадвал

Жаҳон бўйича меҳмонхона ўринлари сони билан етакчилик қилаётган мамлакатлар

Ўрин	Мамлакат	Жаҳон умумийсидаги хиссаси
1	АҚШ	24,1
2	Япония	9,0
3	Италия	5,6
4	Германия	5,1
5	Хитой	4,7
6	Франция	3,4
7	Мексика	2,6
8	Канада	2,1
9	Таиланд	1,8
10	Греция	1,8
11	Австрия	1,8
12	Индонезия	1,5

13	Австралия	1,1
14	Россия	1,0
15	Туркия	1,0
16	Аргентина	1,0

Инсон саёҳат қилишни бошлагандан буён уйдан ташқарида қаерда бўлишидан қатъи назар, бошпана ва овқатланишга эҳтиёж сезади. Бундай талабларни қондириш учун кейинчалик туристик корхона ва ташкилотлар пайдо бўлди¹.

1.2. Меҳмонхона хизматларининг мазмун моҳияти

Жойлаштириш воситаси деганда тунаш учун мунтазам ёки онда-сонда жой бериладиган ҳар қандай объект тушунилади ва у туристик индустриянинг асосини ташкил қилади. Унинг улушига туристик соҳада банд шахсларнинг 65% гача, туризмдан тушадиган тушумларнинг 68% га яқини тўғри келади. Янги жойлаштириш масканларини куриш туристик йўналишларни ўзига ром этишини сезиларли оширади. Туристлик оқимларни кўпайтиради. Юксак даражада сервис хизмати кўрсатиш жойлаштиришда шунингдек туризмнинг руҳият аспектларидан ҳисобланади, қайсики туристларни у ёки бу мамлакатга саёҳатга келишини ташкил қилишда юқори даражада қониқтиради.

Мавжуд хилма-хил жойлаштириш воситаларида меҳмонхона индустрияси алоҳида ўрин тутати. Меҳмонхона индустрияси иқтисодий фаолият тури сифатида ўзида меҳмонхона хизмати кўрсатиш ва меҳмонхоналар кемпинглар, мотеллар, ўқувчилар ва талабалар ётоқхоналарида қисқа муддатли яшашни ташкил этишни мужассамлаштирган. Ушбу фаолиятга ресторанлар хизмати ҳам кириди.

¹Филлиповский Е.Е., Шмарова Л.В Экономика и организация гостиничного хозяйства. Учебное пособие.-М.: ФиС, 2006.

Меҳмонхона хизматларига барча асосий таърифлар амал қилади, қайсиким маълум даражада уларни туристик хизматлар ва умуман хизматлар билан ошно қилади. Бироқ улар ҳам ўзига хос хусусиятига эга.

Меҳмонхона индустрияси тарихида биринчи “Меҳмонхона” сўзи XVIII асрда пайдо бўлди. Францияда дастлабки меҳмонхоналар **«кўп хонали бино»** деб аталган. Ундаги хоналар бир ойга, бир ҳафтага, ҳатто бир кунга ижарага берилган. Тез орада бу атама Америкада ҳам кенг тарқалганди. У ерда кўпчилик тавернлар тезда **«меҳмонхона»** деб атала бошлаган. Бу эгаларнинг фикрича, уларга европача (французча) кўрк бағишлаган АҚШ меҳмонхоналарни техник жиҳатдан жиҳозлаш соҳасида кўпчилик янгиликларнинг ватани деб ҳисобланади. Меҳмонхоналарга бўлган эҳтиёж бу мамлакатда эмигрантлар, яъни бошқа мамлакатлардан доимий яшаш учун келган аҳолининг бир қоплами тўхтовсиз оқиб келиши боис жуда катта бўлган. Уларни вақтинча жойлашишга зарурат сезгани туфайли меҳмонхона бизнесининг гуркираб ривожланишига, унга талабни кескин ошишига имкон яратган ².

Меҳмонхона хизматларининг ўзига хослиги, ташриф буюрган меҳмонларга хизмат кўрсатиш хусусиятлари ва технологиялари билан белгиланади. Меҳмонларга хизмат кўрсатиш технологик жараёнлари ўз ичига қуйидагиларни олади:


- меҳмонхонага киришда меҳмонларни кутиб олиш;
- регистрация (қайд қилиш), ҳужжатларни расмийлаштириш ва меҳмонларни жойлаштириш;
- меҳмонларга номерда хизмат кўрсатиш;
- меҳмонларнинг овқатланиши чоғида хизмат кўрсатиш;

² Маматқулов Х.М. Меҳмонхона ва туристик комплексларда хизматларни ташкил этиш. Ўқув қўлланма.

- меҳмонларнинг маданий талабларини қондириш – яъни спорт, соғломлаштириш ва фитнес-хизмат талаблари;
- жўнаб кетишини расмийлаштириш, кузатиб қўйиш.

Шуни таъкидлаш жоизки, хизматлар тайёр, тугал шаклда бўлиши мумкин эмас. Улар ижрочи ва истеъмолчининг ўзаро қалин ҳамкорлигида хизмат кўрсатиш чоғида шаклланади. Меҳмонхона хизматларини ишлаб чиқариш ва истеъмол қилиниши меҳмоннинг меҳмонхонага келган пайтидан жўнаб кетилганига қадар бир вақтнинг ўзида кечади. Бутун меҳмонхона цикли давомида меҳмон хизматларни меҳмонхона ходими фаолиятининг натижаси сифатида қабул қилади.

Туристларни жойлаштириш воситалари классификацияси



Меҳмонхона хизматлари битта жойда – хизмат кўрсатиш жойида ишлаб чиқилади ва истеъмол қилинади, истеъмолчининг ўзи эса тақсимлаш тизими қисмига айланади. Меҳмонлар хизмат кўрсатувчи ходимлар билан ресторанда, номер (хона)да, ошхонада рўбарў (дуч) келади. Демак, меҳмонхона корхонаси ходимларнинг миждозлар билан бўладиган алоқасини изчил йўлга қўйиши керак. Шу билан бирга меҳмонлар жамоат жойларида белгиланган хулқ-автор, одоб-ахлоқ нормаларига, яшашда тартиб-қоидаларига риоя этиши шарт.

Меҳмонхона хизматларининг муҳим хусусиятлари шундан иборатки, уларни жамғариш ва сақлаш имконияти йўқлиги ҳисобланади. Шунингдек номер фондига талабнома қабул қилишда ва одамларни жойлаштиришда унинг табиий сиғимидан ошиб кетмаслигига йўл қўйиш мумкин эмас. Ўша вақтда меҳмонхонада бўш қолган номер ва ўрин-жойларнинг йўқотилишига олиб келишини ҳам унутмаслик зарур. Шундай қилиб, меҳмонхона хизматлари – бу меҳмонлар ва меҳмонхона ходимларининг уюшган ҳолда ўзаро ҳамкорлиги бўлиб, бутун фаолият давомида меҳмонларга узлуксиз таъсир этади. Бу маҳсулот фақат меҳмонлар бўлган вақт давомида амалга оширилади. Ушбу вақт давомида меҳмонлар ва меҳмонхона ўртасида доимий мулоқот боради, уни дастурлаш ёки аллақандай стандарт ёки хизмат кўрсатиш алгоритми яратиш имкони йўқ. Шу боис, меҳмонхона хизматлари ҳар бир конкрет ҳолатда индивидуал характер касб этади.

Қабул қилиш ва хизмат кўрсатиш хизматида, шунингдек ресторанларда талаб ва таклифлар дафтари бўлиши шарт. Ташриф буюрувчилар талаб қилганида бу бўлинмалар ходимлари тегишли ёзувни расмийлаштириш учун уни беришга мажбур. Талаб ва таклифлар дафтарида ташриф буюрувчилар ёзиб қолдирган барча талаб ва таклифлар маъмурият томонидан дарҳол кўриб чиқилади ва бир ой ичида шикоят бўйича аризачига жавоб жўнатилади.

Меҳмонхоналар тақдим этадиган жойлаштириш, овқатлантириш ва бошқа хизматлари бир – бирини тўлдиради. Кўпгина ҳолларда улар ўзаро

боғланган ҳисобланади ва меҳмонлар томонидан бир бутун яхлит хизмат сифатида қабул қилинади.

Шундай қилиб, меҳмонхона хизматларининг мазмун моҳияти қўйидагилардан иборат бўлади. Биринчидан, фойдаланишга махсус бино (меҳмонхона номери-хонаси) тақдим этилади; иккинчидан, бевосита меҳмонхона ходимлари бажарадиган хизматлар яъни меҳмонларни қабул қилиш ва уларни расмийлаштириш ишлари, меҳмонхона номерларини йиғиштириш ва ҳ.к. хизматларни тақдим қилишади.

1.3. Меҳмонхонада мавжуд хизматларнинг турлари ва уларнинг тавсифи

Меҳмонхона хизматларини кўриб чиқишдан олдин «хизматлар» нималигини ёдга олиш зарур бўлади вун барча хизматларга эга бўлган таърифларни ажратиш талаб этилади.

Хизматлар тушунчаси собиқ Иттифок даврида нашр этилган Катта Совет Энциклопедияси қўйидагича таърифланади. Хизматлар бу бевосита маълум шахсларнинг эҳтиёжини қондиришга йўналтирилган меҳнати сифатида намоён бўлади. Яъни ушбу хизматлар индивидуал буюртмачи ёки миждоз каби истеъмолчиларни назарда тутди.

Таниқли америкалик маркетинг бўйича мутахассис олим Ф.Котлернинг фикрича, **хизмат** - ҳар қандай тадбир ёки қулайлик бўлиб, қайсики бир томон уни бошқа сезилмас томонга тақлиф этади. Хизматлар ишлаб чиқариш унинг моддий кўринишидаги товар билан боғлиқ бўлиши ёки боғлиқ бўлмаслиги ҳам мумкин.

Хизматлар – бу мақсадга мувофиқ меҳнат фаолияти ва унинг натижаси бўлиб, кишининг бирор-бир эҳтиёжини қондиришда акс этади. Хизмат тушунчаси универсал ҳолда, яъни ҳар томонлама ёки ҳарёқлама аҳамиятга эга бўлиб, у нарсаси шаклида номоддий ва сақланмайдиган, уни ўлчаб бўлмайдиган, жонли меҳнат жараёнида тақдим этилиши ва фақат баҳолаш мумкин бўлади ҳолос.

Хизматлар ишларидан бири ҳаракат сифатида белгиланади. Бирор – бир ҳуқуқий ёки жисмоний шахс бошқа субъектга уни ўз муносабатида амалга оширади ва моддий ёки номоддий мақсадни кўзлаб бевосита ёки билвосита қўлайликни яратади.

Хизматлар функционал мўлжаллангани бўйича моддий ва ижтимоий-маданийга бўлинади. **Моддий хизматлар** – бу истеъмолчининг моддий-маиший эҳтиёжларини қондириш бўйича хизматлардир. Моддий хизматлар буюмларни истеъмолчилик хусусиятларини тиклаш (сақлаш, ўзгартириш), ёки фуқаролар буюртмасига кўра янгиларини тайёрлаш, шунингдек юкларни ва одамларни ташиш; истеъмол учун шароит яратишни таъминлайди.

Меҳмонларга хизмат кўрсатиш технологик жараёнлари ўз ичига қуйидагиларни олади:

- меҳмонхонага киришда меҳмонларни кутиб олиш;
- регистрация (қайд қилиш), ҳужжатларни расмийлаштириш ва меҳмонларни жойлаштириш;
- меҳмонларга номерда хизмат кўрсатиш;
- меҳмонларнинг овқатланиши чоғида хизмат кўрсатиш;
- меҳмонларнинг маданий талабларини қондириш – яъни спорт, соғломлаштириш ва фитнес-хизмат талаблари;
- жўнаб кетишини расмийлаштириш, кузатиб қўйиш.

Шуни таъкидлаш жоизки, хизматлар тайёр, тугал шаклда бўлиши мумкин эмас. Улар ижрочи ва истеъмолчининг ўзаро қалин ҳамкорлигида хизмат кўрсатиш чоғида шаклланади. Меҳмонхона хизматларини ишлаб чиқариш ва истеъмол қилиниши меҳмоннинг меҳмонхонага келган пайтидан жўнаб кетилганига қадар бир вақтнинг ўзида кечади. Бутун меҳмонхона цикли давомида меҳмон хизматларни меҳмонхона ходими фаолиятининг натижаси сифатида қабул қилади. Меҳмонхона хизматлари битта жойда – хизмат кўрсатиш жойида ишлаб чиқилади ва истеъмол қилинади, истеъмолчининг ўзи эса тақсимлаш тизими қисмига айланади.

Меҳмонхона-тижорий корхона бўлиб, у комплекс хизматларни ишлаб чиқарувчи, ўзи ишлаб чиқарган маҳсулотини яъни «товар» (жойлаштириш, овқатлантириш ва бошқа хизматлар)ини туризм бозорида сотишга таклиф қилувчи ҳисобланади. Меҳмонхона хизматларини маҳсулот яъни товар сифатида кўриб чиқадиган бўлсак, унда хизмат кўрсатишнинг учта даражасини ажратишимиз мумкин:

- алоҳида хизматлар ва хизматлар гуруҳи;
- «меҳмонхона» маҳсулоти комплекс хизмат сифатида;
- «меҳмонхона» маҳсулоти қўшимча хизматларнинг комплекс хизматлари сифатида.

Меҳмонхоналарда туристларга хизмат кўрсатиш жараёнини амалга ошириш учун асосий меҳмонхона хизматлари тақдим этишни таъминловчи қуйидаги асосий хизматлар минимал тўплами кўзда тутилиши лозим:

- бронлаштириш;
- хизмат кўрсатиш;
- қабул қилиш ва ҳисоб-китоб қисми;
- хоналар фондини эксплуатация қилиш

Турли типдаги, турли сифимдаги меҳмонхоналарда хизматлар сони юқорида келтирилганидек кам ёки кўп бўлиши мумкин. Уларнинг вазифалари ҳам турлича бўлиши мумкин. Мисол учун йирик меҳмонхоналар таркибида хизмат кўрсатиш хизматлари ва бронлаштириш мустақил таркибий тузилма бўлинмалари ҳисобланади. Кичик ва ўрта корхоналарда жойлаштириш ва мижозларга хизмат кўрсатишни алоҳида қабул қилувчи хизмат ходимлари бажаришади. Бу маркетинг, инженер-эксплуатация, молия-бухгалтерия, тижорат хизматларига ҳам тааллуқлидир.

Бронлаштириш хизмати. У қуйидаги вазифаларни бажаради:

- меҳмонхона ўринларига буюртмалар қабул қилиш ва уларни ишлаш;
- зарур ҳужжатларни тайёрлаш: ҳар кунги келишлар графиги (ҳафталик, ойлик, квартал, йиллик), хоналар фонди ҳаракати карталари.

Одатда меҳмонхона мижозларининг яримидан кўпроғи келиш олдида хоналарни бронлаштириб кўйишади. Бронлаштириш ишлари меҳмонхона тижорий вакиллари орқали телефонда амалга оширилади (турагентлар, туроператорлар), шунингдек бунда почта, телекс, факс, электрон почта, бронлаштиришнинг глобал тизими (GDS) ёрдамида кенг фойдаланилади. Меҳмонларни жойини бронлаштиришдан кейин келмай қолиш ҳоллари зарарини камайтиришга уриниб, меҳмонхона «икки марталик» ёки «ҳаддан ташқари» бронлаштиришга мажбур бўлади. Яъни мавжуд бўш хоналар сонига нисбатан кўпроқ буюртма олади (5,8,10%). Аммо бундай ёндашув пухта йўналган, аниқ ҳисоб-китоб қилинган бўлиши керак. Агар меҳмонхона олинган буюртмаларни бажариш имкониятига эга бўлмаса, у мижозларни йўқотиш қалтислигига йўл қўяди, бронлари бажарилмаган мижозлар туристик компания билан ишчан муносабатларини узади.

Хизмат кўрсатиш сервиси. Меҳмонлар нуқтаи назаридан хизмат кўрсатиш сервиси меҳмонхонада энг муҳими ҳисобланади. Нагехи бу хизмат ходимлари мижозлар билан доимий алоқада бўлишади ва улар билан боғлиқ барча вазифаларни бажаришади.

Хизмат кўрсатиш сервисини менежер бошқаради. Унга швейцарлар, багаж тошувчилар, лифтчилар, йўлак хизматкорлари, жойлаштирувчилар, ҳайдовчилар (ижарага олинган машиналар ва меҳмонлар автомобилларни жойлаштиришга хизмат қилувчилар) бўйсилади.

Мижозлар тасаввуридаги меҳмонхона ҳақида биринчи муҳим вазифа хизмат кўрсатиш хизмати ходимлари зиммасига алоҳида масъулият юклайди. Одатда меҳмонларни меҳмонхона остонасида биринчи бўлиб швейцарлар-эшик оғалари кутиб олишади. Улар меҳмонлар билан саломлашиши, машиналардан тушушларига кўмаклашишлари лозим. Швейцарлар меҳмонхонада мавжуд хизматлар, меҳмонхона тадбирлари (конференция, банкетлар), меҳмонхона жойлашган жой, унинг теварак-атрофи ҳақида батафсил маълумотларга эга бўлишлари зарур.

Меҳмонларни хонага кузатиб бориш, юкларини етказиб келиш билан дахлсиз-йўлак хизматкорлари шугулланади. Кузатиб келиш вақтида уларга меҳмонлар билан сўзлашиб бориш тавсия этилади. Бунда албатта меҳмонхонада мавжуд хизматлар ҳақида маълумот бериш айниқса жуда муҳим; ресторанлар, кафе, барлар, кирхона кимёвий тозалаш, бассейн, спортзаллари ва ҳ.к лар мавжудлиги уларнинг иш режими ҳақида сўзлаб бериш керак.

Хонага келиши билан дахлиз ходими биринчи навбатда меҳмонга жойлашишда ёрдам бериши лозим ва бир вақтнинг ўзида ҳамма нарса созлигини текширади. Нима кандай ишляпти (радио, телевизор, ёритиш, кондиционерлар, телефонлар, мини бар ва ҳ.к. лар) текшириб кўрилиши зарур.

Жуда кўп муҳим хизматларни меҳмонларга махсус ходимлар кўрсатади. Уларни меҳмонхона вестибюллари ёки бевосита қаватларда алоҳида стол кўйиб ўтиришганини кўриш мумкин. Консьержилар деб аталадиган бу одамлар маълум вақтгача меҳмонхона хизматчилари эмас эдилар. Улар меҳмонхона мижозларига хизмат кўрсатиш ҳуқуқини сотиб олишга мустақил тадбиркорлар ҳисобланишарди. Консьержилар типик хизматларига кўпроқ қуйидагилар киради:

- меҳмонларга театрга билетлар сотиб олиш ва олиб келиб бериш;
- шаҳар ресторанлари столига буюртма бериш;
- темирйўл, автобус, авиа билетларга буюртма бериш ва олиб келиб бериш, ички, шаҳарлараро, халқаро транспортлар иши ҳақида маълумот бериш;
- врач қабулига, косметик салон, сартарошхонага ўрин банд этиш;
- магазинлар, кўргазмалар, музейлар ишлаши, маҳаллий диққатга сазовор жойлар ҳақида маълумот бериш;
- фавқулотда ёрдам (масалан, врач, нотариус, юрист чақириш);
- мижознинг мутлақо шахсий топшириқларини бажариш (виза расмийлаштириш, харид қилиш ва ҳ.к. лар).

Қабул қилиш хизмати ва ҳисоб китоб қисми. Қабул қилиш хизматини кўпинча отелнинг «юраги» ёки «асаб маркази» деб атайдилар. Ушбу хизмат билан меҳмонлар кўпроқ алоқада бўладилар, улар меҳмонхонада бўлиш вақтида хизматлар ва маълумотлар бўйича мурожаат қиладилар.

Қабул қилиш хизмати муҳим вазифасига меҳмонлар билан саломлашиш ва уларни жойлаштиришда зарур расмийчиликларни бажариш киради. Қабул қилиш хизмати ходими (портъе) швейцардан кейин киришда турадиган меҳмонхонанинг амалдаги биринчи ходими ҳисобланади ва меҳмонлар билан илк алоқада бўлади. Меҳмонларни қандай кутиб олиш, қандай салом аликда бўлиш, расмийчиликларни қандай тез бажариш (бронлаштиришни, анкета тўлғизиш, олдиндан тўловни текшириш) кўп жиҳатдан унга боғлиқ. Шунга қараб меҳмонхона ҳақида меҳмон энг ёрқин тасаввурга эга бўлади. Шу муносабат билан қабул қилиш хизматига қуйидаги талаблар қўйилади:

- Қабул қилиш хизмати бевосита меҳмонхонага кириш жойига яқин бўлиши керак; меҳмонхона вестибюли катта майдонни эгаллаган бўлса, ички кўриниш динамик характери меҳмон мўлжал олиши учун қабул қилиш хизмати турган жойга йўналтирилиши зарур;
- Ходим турган жой тартибсиз ташланган қоғозлар, кераксиз буюмлардан тоза бўлиши керак;
- Қабул қилиш хизмати ходими нуқсонсиз кўринишга эга бўлиши, ўзини тавозе билан тутиши лозим. Меҳмонлар билан фақат тик турган ҳолда сўзлашиш даркор. Уларни куттириб қўймаслик керак. Унутмаслик лозим, ходимга меҳмонларни муносиб кутиб олишдан муҳимроқ иш йўқ.

Қабул қилиш хизмати ҳисоб-китоб қисми вазифасига шунингдек хоналарни тақсимлаш ва бўш ўринларни ҳисоблаш, ҳисоб ёзиб бериш ва мижозлар билан ҳисоб-китобни амалга оширишга ҳам киради.

Меҳмонлар етиб келишгача қабул қилиш хизмати бронлаштириш хизмати бюросидан ишланган буюртмаларни олади. Уларга мувофиқ хоналар фонди ҳаракати картаси тузилади, бу меҳмонхонада бўш ўринлар ҳисобини олишга ёрдам беради.

Қабул қилиш хизмати вазифаларидан бири – меҳмонлар картотекасини юритиш. Ҳар бир меҳмон учун у меҳмонхонага келгандан кейин махсус карточка тўлдирилади. Унда меҳмон билан муносабатда бўлган барча меҳмонхона хизматлари томонидан йиғилган маълумотлар аксини топади. Бу маълумотлар меҳмон иккинчи сафар ташриф буюрганидан хизмат кўрсатиш сифатини анча ошириш, унинг хоҳиш ва истакларини тўлароқ кондириш имконини беради. Бунда иш меҳмонхонага доимий мижозларни кўпроқ жалб этиш, меҳмонхонани қўшимча реклама қилиш мақсадларида жуда муҳимдир³.

³ Маматқулов Х.М. Туризм инфратузилмаси. Маърузалар курси. Самарқанд 2009.

II. БОБ. ОСИЁ МАМЛАКАТЛАРИДА ТУРИЗМНИНГ РИВОЖЛАНИШ ХУСУСИЯТЛАРИ.

2.1. XXРда туризмнинг ривожланиш хусусиятлари

Хитой Тинч океани ҳавзасида жойлашган асосий туристик мамлакатдир. Хитойга ҳар йили 26-27 мг лионга яқин чет эл туристлари ташриф буюради. Хитойнинг туристик модели унинг янги сиёсий тарихи ҳамда Тайван, Япония, АҚШ, Буюк Британия, МДЎ мамлакатлари каби давлатлар билан бўлган муносабатларига боғлиқ.

Хитой дунёнинг энг қадимий маданиятига эга бўлсада, унинг янги тарихи 1840 йилги дунёнинг ривожланган мамлакатлари билан бўлган ўзаро урушдан бошланади. Бу уруш натижасида Сянган (Гонконг) савдо ва молиявий марказ сифатида Буюк Британия қўлига ўтди. Шунингдек, Макао ҳам Пси бўлган мустамлакасига айланди. XX асрнинг биринчи ярмида Хитойдаги сиёсий ривожланиш бекарорликка юз тутди ва натижада фуқаролар уруши келиб чикди. 1949 йилда бу уруш коммунистлар қалабаси билан тугади. Мақлуб бўлган Хитой зодагонлари Тайванда ўз давлатларини тузишди. Сўнг Хитой Халқ Республикаси қачонлардир бой берилган ерларини қўлга киритишга ҳаракат қила бошлади. Бу унинг кўплаб мамлакатлар, ҳаттоки, собиқ Совет Иттифоқи билан бўлган муносабатларини ҳам совуқлаштирди. Натижада, Хитой бутун дунёдан узилган ҳолда ривожлана бошлади. Хитой борган сайин барча чет элликлар учун қадимий маданиятга эга бўлган "Буюк сирли мамлакат"га айланиб борди. 1960-1970 йиллар давомидаги узлатга 1978 йилда чек қўйилди. Хитой ўз иқтисодиётини замонавийлаштиришга ҳаракат қилган ҳолда туристлар учун "очиқ эшиклар" сиёсатини юргиза бошлади. Энди чет эллик бойваччалар "Буюк сирли мамлакат"га биринчилардан бўлиб қайтиш учун ўзаро мусобақалаша бошладилар. Шунингдек, Хитойнинг энг қадимий деб саналган маданиятига бўлган қизиқиш туфайли ҳам икки йил ичида бу ерга келувчи туристлар сони 500 мингга етди. Хитой Халқ Республикасининг бундай сиёсат юргизишининг асосий сабаби — мамлакатга чет эл валютасининг оқиб

кириши керак эди. 1983-1989 йилгача туризм Хитой учун чет эл валюталари тушумининг энг асосий манбаи бўлиб қолди. Бу муддат ичида Хитой Халқ Республикасининг бошқа мамлакатлар билан бўлган алоқалари ўзгара бошлади. 1987 йилдан бошлаб Тайван аҳолиси Сянган орқали Хитой Халқ Республикасига саёҳат қила бошлашди. 1990 йилда ХХРга 27 миллион чет эл туристлари ташриф буюрган бўлса, уларнинг 25 миллион нафарини Тайван, Сянган, Макао дан келган туристлар ташкил этди. 1980-йилларнинг охирига келиб, ХХРга ташрифлар сонининг ўсиши пасая бошлади. Бунинг асосий сабаби — мамлакатда туризм саноатининг яхши ривожланмагани эди. Туризм менежменти эса, умуман йўлга қўйилмаган эди. Бу эса ўз навбатида замонавий талабларга жавоб берувчи ўрта ва олий даражали кўплаб янги меҳмонхоналар қурилишига сабаб бўлди. Бунга чет эл капитали ҳам жалб этила бошлади. Бироқ, 1990 йилларнинг бошларига келиб Пекин ва Шанхайдаги кўпчилик меҳмонхоналар жойнинг нотўғри танлангани ҳамда нотўғри нарх сиёсати қўлланганлиги туфайли молиявий қийинчиликлар сеза бошлади. Мамлакатда кўплаб замонавий меҳмонхоналар қурилган бўлсада, туристларнинг етиб келишларига қулайлик яратувчи аэропортлар қурилиши ривожланмади. Темир йўл транспорти эса умуман яхши ривожланмаган бўлиб, чет эл туристлари ундан умуман фойдаланмас эдилар. Шу сабабли ХХРга асосан Тайван, Макао ва Гонконгдаги Хитой миллатига мансуб бўлган аҳоли ўз қариндошларини кўриш учунгина келар эди. 1989 йилдаги "қайта қуриш" туфайли Собиқ Совет Иттифоқи ва ХХР ўртасидаги чегаралар очилди ҳамда мамлакатга кўплаб Совет фуқаролари ҳам ташриф буюра бошлашди. Уларнинг ташрифларидан асосий мақсад "шоп тур" эди.

Очиқ эшиклар сиёсатининг юргизилиши натижасида Хитойдаги кўпчилик талабалар демократия берилишини талаб қилиб чиқа бошлашди. 1989 йил 4 июнда Пекиндаги Тяньаньмўнь майдонида талабалар чиқишлари бостирилгандан сўнг АҚШ, Австралия каби кўплаб мамлакатларнинг туристлари Хитойга бойкот эълон қилиб, унга келмай қўйишди. Лекин, бу

даврдa Хитой туризми барибир ўз ривожланишини давом эттираверди. Чунки Хитойда амалга оширилаётган сиёсий ва иқтисодий қайта қуриш туфайли ички туризмнинг ривожлантирилишига катта эътибор берилган бўлиб, Хитойда йилига 290 миллион киши ички саёҳатларга чиқар эди. Бироз вақт ўтгач, Хитойга Европа туристларининг ташрифи қайта тиклана бошлади. Мамлакатда туризмни ривожлантириш мақсадида туристлар учун махсус туристик ҳудудлар ташкил этила бошланди. 1982 йилда бундай шаҳарлар сони 122 тага етган бўлса, 1990 йилда 500 тага етказилди. Хитойнинг шимоли-шарқида ҳамда марказидаги туристик ҳудудларда асосий тарихий-маданий ёдгорликлар жойлашган бўлса, жанубий ҳамда қирғоқдаги туристик ҳудудларида эса дам олиш, ҳордиқ чиқариш маскани сифатида сўлим ва гўзал оромгоҳлар жойлаштирилган.

1997 йилда Сянган Хитой таркибига йирик порт, савдо, молия ва туристик марказ сифатида қайта қўшилди. Унга Хитой ичида ўз капиталистик тузумини 50 йилгача сақлаб қолиш имкониятига эга бўлган автономия берилди. Ҳозирги кунда туризм Сянган автономиясида чет эл валютаси тушуми манбаи сифатида 3-ўринни эгаллайди. Сянганга туристлар асосан шоу тур, кечки ҳаёт, театр, маданий ҳордиқ, спорт (от спорти) ҳамда ҳар йили ўтказиладиган турли хил фестивалларда иштирок этиш учун етиб келишади. Шунингдек, Сянганда "Сун" императорлиги давридан қолган қишлоқлар ҳам сақлаб қолинган бўлиб, уларни ҳам кўплаб туристлар зиёрат қиладилар.

1999 йилда Макао ҳам Хитой таркибига киритилди. Макаога ҳар йили 8 миллионга яқин турист ўз таътилларини ўтказиш ҳамда казиноларда пул тикиш учун келишади. Уларнинг асосий қисми Сянган аҳолисидир.

Ўзирги кунда Хитойга асосан Япония, Буюк Британия, АҚШ, Олмония, курия, Таиланд, Австралия, Янги Зеландия фуқаролари ташриф буюришади. Хитойликларнинг ўзи эса, асосан Таиланд, Филиппин, Индонезия, Сингапур ва Японияга туристик саёҳатларга чиқишади.

Хитойда туризмни ривожлантиришга қаратилган сиёсатнинг ўзига хос

томони шундаки, унда "арзон нархлар" сиёсати қўлланилаяпти. Бутун дунёда ҳар бир турист ўз саёҳати давомида ўртача 659 доллардан сарфласа, Хитойда ҳар бир турист ўртача 239 доллар сарфлайди. Шунинг қайд этиш жоизки, Тинч океани ҳавзасида ҳар бир турист ўртача 764 доллардан сарфлайди; ҳаттоки, Японияда туристлар ўртача 1706 доллар сарфлашади (Харажатларга транспорт сарф харажатлари киритилмаган).

Хитойда "арзон нархлар" сиёсати юргизилаётганини қуйидагидан билиб олса ҳам бўлади: 1996 йилда Хитойга дунё бўйича халқаро туризмга чиққан одамларнинг 4,4 фоизи ташриф буюрган бўлиб, улар умумжаҳон халқаро туристик харажатларининг 2,48 фоизини амалга оширишган. Яъни, 1996 йилда дунё бўйича Халқаро туризмга 600 миллионга яқин одам чиқиб, Хитойга шулардан 26 миллион киши ташриф буюрган. Шу йили туристлар дунё бўйича ҳаммаси бўлиб 423 миллиард доллар сарфлаган бўлишса, Хитойда чет эл туристлари томонидан 10,5 миллиард доллар сарфланган.

2.2. Жануби-шарқий Осиё мамлакатларида туризмнинг ривожланиши

Ушбу ҳудудда туризм жуда тез ривожланди. 1980 йилда саёҳатга келувчилар сони 8,3 млн.ни ташкил қилган бўлса, 1991 йилда уларнинг сони 20млн.га етди. Аммо ҳудуд таркибидаги турли мамлакатлар туризмнинг турли хил моделларига эга. Бу эса уларнинг туристик ресурсларидаги тарихий ва сиёсий ривожланишдаги тафовутлар билан боғлиқ. Ушбу ҳудуднинг энг катта мамлакати бўлиб, Индонезия ҳисобланади. Ушбу мамлакатда 366 та турли этник гуруҳлар мавжуд.

Сингапур. Ҳозирги замон коммуникатив воситалари билан таъминланган кўп сонли бизнес марказларига эга ультра-замонавий мамлакат. Шу сабабли мамлакат нафақат дам олишни, балки ишбилармон туризмни ҳам таклиф этади. Сингапурда туризм 1965-82 йилларда жуда тез ривожлана бошлади ва саёҳатга келувчилар сони 3 млн. га етди. 1980 йилларнинг охирларида бир йиллик ўсиш 14—15% ташкил қилар эди. 1991 йилдаги туркуникдан сўнг туризм соҳаси ривожлана бошлади ва келувчилар сони 6

млн.га етди. Чет эллик меҳмонларнинг аксарияти Осиё мамлакатларидан (1992 йилда улар 60—65% ташкил қилишди) ташриф буюришди.

Австралия, Янги Зеландия (12%) ва АҚШдан (6%)ташқари Сингапур мамлакатига сўнгги йилларда Хитой, Тайван ва Жанубий Корея ҳам қизиқа бошлади. Сингапур ўз мамлакатини энг яхши дам олиш маркази деб ташвиқот қилиши натижасида, 1989 йилда бу ерда ўз таътилларини ўтказувчилар 66,5% ни ташкил қилди. Ишбилармон саёҳатчилар 12,8%, транзит туристлар қисмига эса 15,5% тўғри келди. Бу ерга аксарият ҳолларда Япония, Тайван ва германиялик туристлар дам олиш учун келишади. Ишбилармонлик туризми бўйича эса аксарият туристлар Гонконг ва АҚШдан келишади. Сингапурда аҳолининг турмуш даражаси энг юқори савияда, шу сабабли аҳоли саёҳатларда фаол иштирок этади. Мамлакатнинг ўзи эса бошқа давлатлар учун улкан бозор ҳисобланади. Масалан, 1991 йилда чет элларга 4,8 млн саёҳат амалга оширилди. Сингапур аҳолиси учун Малайзия, Индонезия, Таиланд ва Гонконг катта туристик марказ ҳисобланади.

Индонезия. Бу ҳам катта туристик мамлакатдир. Бу ерда ҳам туризмда олдинга интилиш сиёсати ўтказилди. Ушбу сиёсатни ўтказишдан иккита мақсад кўзланган эди: аҳолини иш жойлари билан таъминлаш ва чет эл валюталарини жалб қилиш (нефть, газ, ўрмон ва текстилдан кейин туризм чет эл валютасини мамлакатга олиб келишда 5-генератор ҳисобланади). Чет эл меҳмонларининг мамлакатга келиши 1987 йилдан орта бошлади ва 1987-90 йилларда 20—34% ни ташкил қилди.

Бу ўсиш асосан Жанубий ва Жанубий Шарқий Осиё мамлакатлари ҳисобидан бўлди. 1992 йилда чет эл меҳмонларининг умумий сони 3 млн.га етди. Индонезия бозорида юқори ўринларда Сингапур, Япония, Малайзия, Австралия, Тайван, АҚШ, Германия, Буюк Британия, Нидерландия ва Кореялар туради. Индонезия аҳолиси нисбатан кам саёҳат қилади. Масалан: 1991 йилда чет элга 450 минг киши чиққан, аммо бу чиқишлар даврида улар жуда кўп маблақ сарф қилишган. Ушбу ҳолат Индонезияда ички ва четга

чиқиш туризми ривожланишнинг бошланғич босқичида эканлигидан далолат беради.

Таиланд. Қўшни мамлакатларга нисбатан сиёсий барқарорлиги ва мустақиллиги туфайли европаликлар орасида юқори мавқега эга. Шу сабабли мамлакатда тарихий, маданий, этник ва пляж туризми ривожланган. Чет эл валютасини жалб қилишнинг муҳим генератори бўлиб – туризм ҳисобланади. Таиландни асосан қўшни Малайзия аҳолиси зиёрат қилади. Уларнинг ташрифлари қисқа (ўртача ҳисобда 4,4 кунни ташкил қилади) ва улар пулни кам сарф қилишади. Бу мамлакатдан кейин Япония ва Тайван турибди. 1990 йилдан кейин Таиландда Осиё ва Австрия бозори қискарди, Европа бозори эса аксинча ўса бошлади. Европалик туристлар 9—14 кун мобайнида бўлишсада, кам маблақ харажат қилишади.

Филиппин. Испан колонизаторларидан қолган маданий мерос маданий туризмни ривожлантириш учун кенг имконият яратди. Табиий туристик ресурслар эса ушбу кунда муҳим ҳисобланган экологик туризмни ривожлантириш учун кенг йўл очиб берди. Бу ерга асосан АҚШ ва Япониядан туристлар кўп келади.

Малайзия туризми ҳудуд бозорига боғлиқ (асосан Сингапурга). 1991 йилда чет эллик меҳмонларнинг 58,3% и айнан шу ерларга келишган. Малайзиянинг бошқа муҳим бозорлари Таиланд (9,3%), Япония (7,1%) ва Европа мамлакатлари (7%) ҳисобланади. Хитой ва Тайвандан келаётган туристлар сони жадал ўсмоқда. Малайзиянинг иқтисодий ривожланиши юқори савияда бўлганлиги сабабли мамлакат аҳолиси жуда кўп саёҳат қилади. Саёҳатларнинг катта қисми Сингапурга тўғри келади. 1991 йилда у ерга савдо ва кўнгил очар саёҳатлар уюштириш мақсадида 9,5 млн саёҳатчи ташриф буюрган. Ундан кейин эса Таиланд ва Индонезия туради.

2.3. Меҳмонхона хўжалигида ҳаёт фаолияти хавфсизлигини таъминлаш чора тадбирлари

Меҳмонхона персоналининг меҳнат шароитини яхшилаш чора тадбирлари. Меҳнат муҳофазаси ва ҳимоясининг умумий қоида, ва кўрсатмалардан ташқари, ҳар бир хизмат ва иш лавозимнинг ўзига қаратилган инструкцияси бўлиши керак.

Меҳмонхона ходимлари ҳаммаси тиббий кўрикдан ўтишлари ва иш жойи инструктажини олишлари лозим.

Биз қуйида меҳмонхона айрим хизматлари ходимларига меҳнат муҳофазаси ва хавфсизлиги бўйича бериладиган тавсиялар ва кўрсатмаларни келтирамиз.

Администратор, ҳисоб-китоб оператори ва порте, маиший хизмат электр асбоблари билан хавфсиз ишлаш тартиби ва қоидасини, ёриткичлар ўчиркичларининг жойлашишини, ёнғин хавфсизлик қоидасини билиши; ёнғинга қарши воситалар қўллаш олишни, уларнинг қаерда жойлаштирилганини билиш; қўл остидаги хизматчилар навбатидан олдин мунтазам равишда инструктаж ўтказилиши керак.

Ишнинг тугаши билан навбатчилигини топшириш ва бу ҳақда ката администратор ёки корпус мудирига ёки директорига бериши лозим.

Катта горничний ишнинг бошланишидан олдин электр жихозлар ва приборларнинг, очилиб-ёпиловчи норвончаларнинг, қўлқоп, кўзойнак ва барча иш воситаларини текшириб кўриб созлигига ишонч ҳосил қилиш керак. Ювиш кимёвий воситаларни тўғри қўллаш, дарз кетган ойна ва сиртларни қўли жароҳат олмаслиги учун ишқалаб тозаланмаслиги керак. Ҳар бир машина воситани ишлатганда албатта унинг кучланиши тармоқ кучланишини текшириш керак. Асбоб-ускуналарни, машиналари қўллаш вақтида кепик, аҳамитсиз носозлик бўлганда ҳам, ишни тўхтатиб мутахассисга мурожат этиш лозим.

Иш вақтида ҳар қандай кучланишда бўлган электр кабеллар хавфли ҳисобланади, шунинг учун унинг устида турмаслик, электр тармоқдан

ажратилгандан сўнг йиғиштириш тавсия этилади. Чанг ютгичнинг исиб кетиши, товушининг дағаллаши филтърнинг тўлиб қолиши ва бошқа ҳ.к. йўл қўймаслик зарур.

- совутгичдан ташқари электро жихозларни ишлатиб қаровсиз қолдириш;

- носозлик электр жихозларини ўтказгичларини қўллаш;

- ишлаб турган электрочайникни ва электр самоворни сув билан тўлғазиш;

- розеткадан вилка шнуридан тортиб олиш;

- пахтақоғозли филтрсиз чангютгични ишлатиш;

- чанг ютгич режими бузиш режими бўйича ҳар 45 минутда 20 мин дам бериш керак.

- чангютгични шуниридан тортиб юргизиш.

Санузелларни тозалашда албатта қўлқоп ва оид резинали фартукдан фойдаланиш керак. Раквина, ванна кафелларни ювиб тозалашда меҳнат хавфсизлик қондасига риоя этиш лозим.

Ишнинг охирида қўлланилган жихозларни тозалаб сақлаш жойига қўйиш, уларнинг носозликлари тўғрисида қайта горничнийга хабар бериш керак.

Меҳмонхона фарроши ишни бошлашдан олдин махсус формада иш кийимини кийиниши, бошларида бош кийими бўлиши лозим бўлади.

Қўлланиладиган жихозлар, инвентарлар, ювиш воситаларининг бўлиши ва созлиги текширилади. Иш вақтида электр асбоб ва приборларни қуруқ ката билан ортиш, кимёвий воситалар қўлланишда резинали қўлқоплар, деворларни артишда щеткалар, мебелларни тозалашда чиқиб турган шуруплар, дағир-буғирлардан эҳтиёт бўлиши керак.

Трубади ўтказгичларни кўрсатиладиган норвонлар билан артиш, ахлат карзиналарни қўл билан бўшатиш тақиқланади. Худди шундай электр жихозлар, электр аппаратларни техник персоналларсиз артиш, тозалаш,

тўсиқларни олиниш, электр токи бор ўтказгичлар, ишлаётган насосларни хавфсизлик мақсадида артиб тозалаш ҳам ман этилади.

Ишдан сўнг барча иш жихозлари белгиланган жойда қўйилиши керак.

Меҳмонхона ётоқ анжомларини бошқарувчиси (касбелянига ишини чойшаблар омборида қўйилган пломбани тўғрилигини текширишдан бошлаш лозим. Унинг мажбуриятига: электр приборлари, ёнғин ўчиргич, хлорли эритмалар билан ишлашни билиш; шахсий гигиена қоидаларига риоя этиш, кир, чойшабларни олиш ва тозасини бериш қоидаларини билиш, юкларни ташишда хавфсизлик қоида­сига риоя этиш; ёнғин хавфсизлик қоидаларини билиши юклатилган. Айниқса, чойшабхонада дазмолни қўллаш қатъиян ман этилади.

Чойшаб таъмирловчи текширувчилар тикув машинасида тўғри билиши, фақат берилган топшириқни бажариш, фақат соз жихозларда ишлаши талаб этилади.

Ишга тушишдан олдин барча тугмаларни ўтказиш, электромашиналарнинг ерга уланганлигини текшириш, машиналари ўзини юритиб кўриб созлигига ишонч ҳосил қилиши, уларнинг ҳимоя тўсиқ билан тўсилгани, олинадиган қисмларининг беркитилганлигини текшириш лозим.

Иш вақтида хавфсизлик қоидаларига риоя этиб: машина ишлаб турганида игнани алмаштириш, қўйиш мумкин эмас; машинани секин ишга қўйиш, тикишда икки қўлни ишлатиш, қолиб қолган ипларни машина тўхтаган вақтда олиш, барча инструментларни (қайчи, отверка алоҳида сақлаш машинани қўл билан тўхтатишга ҳаракат қилмаслик, машина ҳаракат қисмлари тўла тўхтатилган вақтда ёғлаш, назорат қилиш ишларини олиб бориш керак.

Иш жойини тоза, тартибли сақлаш талаб этилади.

Гардеробчи, нарсаларни сақлаш омборчаси, навбатчиликни қабул қилишда иш жойининг тозаллигини, ёритгич приборларнинг созлигини текшириши, навбатчи администраторда ёнғин хавфсизлиги бўйича инстуктаж олиши керак.

Улар доимо иш жойида бўлиши, ёнгин хавфсизлик қондасини билиши, ёнгин ўчиргичдан фойдаланишни билиши талаб этилади. Иш жойини тозалашда горничний ёки фаррошларга берилган инстуктажни билиши керак. Иш жойига бегоналарни қўйиш қалган манн этилади.

Швейцар ишга қўшишда олдин майдончасини кўздан кечириши, эшикларнинг ойналарнинг тозалагичига, уларнинг қўлининг созлигга, керакли инвентарларнинг борлигига эътибор бериш керак.

Иш вақтида: меҳмонхона қўйилган талаб бўйича ичкарига қўйиш, киришиэшиклари олди тозалигига, иссиқлик режимида қараш керак ва талаб даражасида бўлишини таъминлаш лозим.

Барча тозалаш жараёнида меҳнат, техника хавфсизлик қоидаларига риоя этиш лозим.

Ўзича иш жойидан кетиб қолмаслиги сўралади.

Меҳмонхона ходимлари интрукцияни бузганликлари учун интизомий жазоланадилар.

.Меҳмонхоналарда ёнгин ва электр хавфсизлигини таъминлаш. Ёнгин меҳмонхонага катта моддий зарар келтиради. Бир неча минут ёки соат жудда катта миқдордаги халқ бойликлари ёниб кулга айланади.

Ёнгин вақтида ажралиб чиқадиган зарарли газлар ҳавони заҳарлайди, кишиларни жароҳатланишига ҳатто ўлишига сабаб бўлади. Шунинг учун бошқа корхоналар сингари меҳмонхоналарда ёнгин хавфсизлиги учун бажариладиган тадбирлар муҳим рол ўйнайди.

Меҳмонхона ва тур комплексларда ёнгин чиқиши сабаби, кўпинча: олов билан эҳтиётсизлик билан муносабатда бўлиш, электротармоқлари, электр жиҳозларнинг носозлиги, ресторандаги иссиқлик ушловчиларнинг ўз вақтида тозаланмаслиги, эксплуатация технологик жараёнларининг бузилиши, таъмирлаш ва бошқа ишларда ёнгин хавфсизлик қоидаларига риоя этмаслик ҳисобланади.

Шу билан бирга номерлардаги телевизорлар ёритиш ускуналари ва чиқиш ҳолатлари ҳам сабаб бўлиши мумкин.

Шунинг учун ҳам буларнинг олдини олиш учун турли профилактик ишларни ташкил этиш керак бўлади. Аввалам бор, ишлаб чиқариш интизомини кўтариш, ёнғинга қарши қаттиқ режимни ўрнатиш, ҳар бир ходисани чуқур ўрганиш, хабарини бериш лозим.

Меҳмонхона ходимларини ёнғинни сезиш қобилиятини ошириш мақсадида махсус ўқитиш, ёнғин хавфсизлиги қоидаларини бажаришни талаб қилиши лозим.

Ёнғинга қарши профилактика, деганда меҳмонхонада яшовчилар ҳаётини ёнғин хавфсизлигини таъминлаш, бино ва бойликларни сақлаш, ёнғиндан огоҳлантириш ва ёнғин бўлган пайтга мувофақият билан уни бартараф этишни билиш тушунилади.

Меҳмонхонада олдиндан эвакуация йўллари, ёнғинга қарши қўланиладиган воситалар (тутун чиқиш, лифт тахтаси ҳаво йўллари, ёнғин автоматик қурилмалари суз ҳолатда бўлишни таъминлаш лозим. Меҳмонхона коридорида, зина майдончаларида эвакуация чиқиш эшиклари устида «чиқиш» деб символик равишда одамнинг зинапоядан югураётган тасвири, ҳаракат стрелкаси кўрсатилиши лозим.

Барча меҳмонхона қават эвакуация режаси тузилиб, эшигининг орқасига кўринадиган жойларида осиб кўрсатиши лозим.

Ушбу режада қандай қилиб ёнғин, ёнғин вақтида зудлик билан чиқиб кетиш йўли кўрсатилган бўлиши керак.

Эвакуацияни ўрнатилган талекомуникацион система орқали навбатчи администраторлар ваҳима қилмасдан эълон қилишлари лозим.

Меҳмонхона персонали вақти-вақти билан ёнғин хавфсизлиги ўқитилиб, асосий ёнғинга қарши қўланиладиган олов ўчиргичлар (ОХП-10, ОП-М, ОП-9мм, улар кўпикли, угле кислоталари бўлиши мумкин)нинг қўлланилишини ўрганиши керак.

Меҳмонхоналарда электржихозлар носозлиги сабабли ёнғинларни бартараф этиш учун, мунтазам равишда уларнинг созлигини текшириб туриш керак.

Меҳмонхонанинг ҳар бир ходим ўзининг лавозими мажбуриятларидан ташқари, яна ёнғин хавфсизлиги қоидаларини, ёнғиндан сақланишни қутқарув ишларини ташкил этиш билиши шарт.

Бунинг учун ҳар бир қаватда бу бўйича жавобгар шахслар тайинланиб керакли жойларда ёзиб қўйилиши лозим.

Меҳмонхоналарда қабул қилишда, албатта ёнғин хавфсизлиги инструкцияси билан таништириш, огоҳлантириш лозим ва улар карточкаларига бу ҳақда имзо қўядилар.

Меҳмонхоналарда кўп ҳолда ёнғин бўлиши сабабли, кечки навбатчиларнинг жойларида бўлиши, ушлаб қолмасликлари каттиқ талаб этилади. Чунки, ёнғин бўлган тақдирда улар меҳмонхоналарни, ёнғинга қарши тизимларни хабардор этишлари, эвакуацион эшикларини очишлари, унга қарши дастлабки ҳаракатни ташкил этишлари сўралади. Эвакуацияни айнан ёнғин қаердан пайдо бўлган бўлса, шу ердан бошлаш керак.

Кўпгина замонавий меҳмонхоналарга ёнғин автоматик сигнализацияси ўрнатилган. Шунинг, учун марказий станциясига навбатчи электрик бўлиш лозим. Ёнғин ҳақида сигнал бўлса, уни қабул қилиш (ёзиб олиш) қаердан эканлиги аниқлаши, зудлик билан ёнғин ҳимояси тузилмасига хабар бериш, меҳмонхона навбатчисига айтиш, мунтазам равишда келаётган сигналларни кузатиб аниқлаб бериш сўралади. Унинг мажбурияти эслатма сифатида ёзилиб иш жойининг кўринадиган жойига қўйиш керак.

Администрация ходимлари меҳмонларнинг келиши олдида нумерларнинг тайёрлигини хоналар санитар ҳолатини, керакли инвентарлар билан контактланганлигини, шу билан бирга техник воситалар ҳолатини, электр асбобларнинг ва электрожиҳозлар созлигини текшириши лозим.

Меҳмонхонада фавқулотда ёнғин хавфсизлиги режимини ўрнатишда, меҳмонларни хавфсизлик тўғрисида эслатиб қўйиш ўта муҳим ҳисобланади.

Шунинг учун, ҳар бир меҳмонхонада, яшовчилар учун эслатма узилади ва унда ёнғин хавфсизлиги тўғрисида таклифлар ва ёнғин вақтида ўзини тутиш қоидалари кўрсатилади.

Замонавий меҳмонхоналарда етарли миқдорда ёнғин хавфсизлигини таъминловчи, ёнғин учун жиҳозлар билан таъминланган бўлиш лозим.

Буларга: гидрантлар, махсус мослама, шланглар, брантеятлар, аланга ўчиргич киради ва улар доимо шай ҳолатда бўлиши керак.

Меҳмонхона биноси керак коридорида ҳар 20 м бита кўпикли ёнғин ўчиргич, биттадан буфетда, ошархонада, устахонада, сартарошхонада машина бўлимида, иссиқлик узелида, бойлерда 18 та кўпикли ва 1 та карбонат кислотали ўтўчиргич ва қумли яшик, белкураги билан бўлиши керак.

Агар меҳмонхона хўжалик ҳовлиси бўлса, унда албатта, ёнғин умли яшиги лом, болта ва челак қўйилган бўлиши керак.

Бундан ташқари ҳар бир қаватда телефон, электромегафон ва фанар бўлиши керак.

Ҳар бир этажда махсус шланг крани, стволли қўл ушлагичи қўшилиб пломбалаб қўйиш лозим.

Ўт ўчиргичлар ҳар ўн кунда текширилиб, унинг соғлигига ишонч ҳосил қилиши талаб этилади.

Улар полдан 1,5 м, эшикдан 1,2 м эвакуация йўлини тўсмайдиган умумий интерерга мос қилиб ўрнатилади.

Ҳар бир меҳмонхонада, меҳмонхона ходимлари ишдан кўнгилли ёнғин дружиналари ҳам ташкил этиш, ўзининг самарасини беради. Улар ёнғинга қарши барча жиҳоз ва воситалар билан таъминланган бўлишлари ва ҳар вақт кўрикдан ўтказиши талаб этилади.

III. БОБ. ЎЗБЕКИСТОН МЕХМОНХОНА ХЎЖАЛИГИДА ХХР МЕХМОНХОНА ХЎЖАЛИГИ ТАЖРИБАСИДАН ФОЙДАЛАНИШ ИМКОНИЯТЛАРИ

3.1. Халқаро ва ички туризмда жойлаштириш воситаларидан фойдаланишда ХХР тажрибасини ўрганиш

Хитойнинг Мао Цзе Дун (1893-1973) давридан кейин мамлакат "очиқ" тизимга ўта бошлади. Яъни мамлакатга хорижий кишиларни қўйиш ва шу орқали иқтисодий ривожлантириш концепцияси ишлаб чиқилди. Маълумки, бу ерда қилинган энг катта ишлар бири бу эркин иқтисодий зоналарни ҳосил қилганлигидир. Бундай қарор ўзиги хос занжир реакциясини келтириб чиқарди. Провард натижада иқтисодий тармоқларидан бири туризмнинг ривожланишига катта имконият пайдо бўлди. Хитой тарихидаги қадимий меҳмонхонлари ўрни аста секинлик билан йирик замонавий типик ОТЕЛлар билан алмашди. Аммо бу миллийлик йўқолди дегани эмас.

Мутахассислар Хитой кейинги ўн йилликда меҳмонхона бизнеси энг ривожланган давлатлардан бирига айланади деган фикрни билдирган. Шу ерда аниқ маълумотларга тўхталиб ўтадиган бўлсак бугунги кунда 660та 5 юлдузли меҳмонхоналар борлиги ва яна 500та меҳмонхона ўзининг ривожланишини 5 юлдузликка етказишни режалаштирган. Шунини алоҳида таъкидлаш керак-ки туристлар сони бўйича ҳам Хитой биринчи ўринга чиқиши мумкинлиги айtilмоқда. Бунга сабаб туризмда туристларни жалб қилиши мумкин бўлган барча ресурсларнинг борлигидир. 2012 йилда хорижий туристларнинг умумий сони 60 млн. кишидан ошиқ бўлди. Халқаро меҳмонхоналар тизими эгалари бу мамлакатда ўз бўлимига эга бўлишини режалаштирган. Юқорида айtilганидек барча ресурслар бор аммо энг муҳимларидан бири бизнес учун ташриф буюрадиганларнинг сони борган сари ошиб бормоқда. Мавжуд 1364 та халқаро туристик агентликнинг 249 таси Пекине, Шанхай, Тяньцзин и Чунцин каби шаҳарларда жойлашган. Айтиб ўтилган шаҳарлар мегаполис даражасида бўлиб кичик шаҳарларда ҳам

мехмонхоналар сони борган сари ошиб бормоқда. Хитойнинг аҳолисини эътиборга оладиган бўлсак, ички туризмда иштирок этадиган туристларнинг ўзи тенгсиз эканлиги билан ажралиб туради. **ХИТОЙ МИЛЛИЙ ТУРИЗМ ХИЗМАТИ** маълумотига кўра ички туристларнинг сони ўртача йилига 10 % га ошиб бормоқда номи айтиб ўтилган хизматнинг вакили Шаонинг таъкидлашича 2013 йилда ички туристларнинг 1 млрд кишидан ошган.

Бу эса мехмонхоналар га бўладиган талабни борган сари ошириб бормоқда.

Нихоят ХХРда мехмонхоналарни тартиб солиш бўйича ҳар беш йиллик режалари кўриб чиқилади ва тегишли таклифлар киритилади.

БМТ қошидаги БТТ экспертларининг фикрича 2020 йилга келиб туризм соҳасида Хитойга тенг келадиган мамлакат бўлмайди. Бу Унга ёндош мамлакатларда ҳам жуда катта фойда келтиради.

Мехмонхона хўжалигининг ўзига хос жиҳатларини кўриб чиқамиз:

1. Кўрсатиладиган хизматлар юқори сифатли ва юқори даража (4-5 юлдуз) га эга бўлсада нархларнинг нисбатан арзон эканлиги;
2. Барча мехмонхоналар миллийликнинг тарғиб қилишади. Ҳаттоки халқаро мехмонхоналар тизимига кирадиган мехмонхоналарда ҳам сиз Хитойда эканлигингизни билишингиз мумкин.
3. Мехмонхона ишчиларининг ҳар қандай вазиятда ҳам жуда меҳнаткаш, энг муҳими сабрли ва хушмуомулаликни кўрсата олиши;
4. Мехмонхона архитектурасида замонавийлик ва миллий фалсафанинг уйғунлиги.



Sheraton Huzhou

5. Ички туристлар учун яратилган шароит хорижий туристларникидан фарқ қилмасада аммо, нарх сиёсати уларга катта имтиёзлар бериши;

6. Мехмохона бизнеси ва туризмда фаолият юритиш бўйича йирик хусусий ва давлат ўқув юртлари борлиги. Бу яқин мамлакатларга туризм таълими бизнесини йўлга қўйиши мумкинлигидан далолат беради.

https://...
 gospersonal.ru/stazhirovka/stazhirovka_v_kitae/
 На главную > Work and Study, стажировка за ...

Стажировка в Китае в сфере гостиничного бизнеса, туризма и строительства

Виза [Business](#) Visit F, либо туристическая виза. Национальная валюта юань: 1 \$ = прибл. 6,8 тmb юаней.



Программа оплачиваемой стажировки в 5-ти звездочных отелях Шанхая, Пекина, Гуанчжоу и других городах Китая от 3 до 6 месяцев. Предназначена для **студентов 1-5 года обучения** и **молодых специалистов**, получивших диплом не более года — двух назад, предпочтительно по специальности ресторанный и гостиничный бизнес, кулинария и родственные специальности при требованиях к уровню английского языка от [Intermediate](#). Опыт работы в этой сфере и владение китайским языком не обязательны, но приветствуются. Возможна стажировка в любой другой профессиональной сфере, например, в школах и языковых центрах, в офисах и на предприятиях, но для этого требуется уровень английского [Proficiency](#) и стоимость программы ниже.

Главная цель участия в программе — получение сертификата стажера и бесценного опыта работы в феешенебельных отелях или бизнесе и производстве Китая, что очень высоко ценится во всем мире. Также это уникальная возможность стать на время частью всего великолепия экзотичной культуры и древнейшей цивилизации.

Обратная связь
 ☎ (495) 636-05-75 (многоканальный)
 Элина Гамой

Оформить заявку

Work and Study, стаж...

- Стажировка в Великобритании
- Work and Study Австралия
- Work and Study Великобритания
- Work and Study Исландия
- Work and Study Новая Зеландия
- Work and Study США
- Work and Study Япония
- Стажировка в Исландии
- Стажировка в Австралии

Мехмонхона иши бўйича барча мамлакатлардан стажирокага олиши мумкинлиги айтиб ўтилади. Машғулотлар Шанхай, Пекин, Гуанчжоу шаҳарларидаги йирик мехмонхоналарда олиб борилади.

Бунда 3 та вариант таклиф этилади:

1 Вариант 1970 АҚШ доллари (3-6 ойгача)

2 вариант 650 АҚШ доллари (3 ойгача)

3 вариант 3130 АҚШ доллари (6-12 ой)

Ушбу стажировка кўпинча бакалавр даражасини олган кишиларга тавсия этилади. Талабда бакалавр мехмонхона ёки туризм тармоғида бўлишлиги талаб қилинади. Ҳар бир вариантда ётоқ жой ва стипендия (2000 юан) бўлишлиги айтиб ўтилган.

Темпы роста валовой добавленной стоимости по отраслям экономики КНР в 2013 г. и I кв. 2014 г.



Источник: Национальное бюро статистики КНР

Жорий 2014 йил таҳлил қилинганда 2013 йилга нисбатан деярли мехмонхона ва ресторан хизматларигина юқори кўрсаткичларни кўрсатган.

Энг катта ишлаб чиқаришлар бўлган саноатнинг сезиларли пасайганлигини кўриш мумкин



Хитойча этикет: Меҳмонларни кутиб олиш ва кузатиш (коутоу)

3.2. Ўзбекистон ва ХХРнинг ҳамкорлиги .

Ўзбекистон ва Хитой иқтисодий муносабатларини жуда катта иқтисодий ҳақиқатларига эга бўлган стратегик ва истиқболли муносабатлар деб қараш мумкин.

Хитой 1991-йил 27-декабрда Ўзбекистонни мустақиллигини тан олди ва 2-январ 1992-йилда Хитой Халқ Республикаси ташқи ва иқтисодий алоқа вазири томонидан ички давлатлар ўртасида дипломатик муносабатлар ўрнатиш тўғрисида баённомага қўл қўйди. Ўзбекистонда 1992-йил 15-октябрдан ХХР элчихонаси фаолият кўрсата бошлади. Пекинда Ўзбекистон Республикасини элчихонаси 1995-йил 6-майдан фаолият кўрсата бошлади.

Бугунги кунда Ўзбекистон ва Хитой ўртасида узаро манфа-атли ҳамкорлик асосидаги муносабатлар сифат жihatдан янги боскичга кутарилди. То-монларнинг муштарак инти-лишлари натижаасида савдо хажми муттасил ошмокда. Бу борадаги курсаткич сунтги беш йипда турт баробардан купрок. ортди ва 2010 йидда 2 миллиард АКШ долларини ташкил этди. Хозир юртимизда Хитой сармояси иштирокида тузилган 350 дан зиёд корхона иш олиб бормокда.

Хитой ва Ўзбекистон ўртасидаги ҳамкорлик узок тарихга бориб такалади. Аммо мусатқиллик йилларида бу янги даражага кўтарилди. Мамлакатлар ўртасидаги ҳамкорлик туризм соҳасида ҳам кенгаймоқда. Мамлакатимизга келадиган туристларнинг ичида хитойликларнинг сони борга асри ошиб бормокда. Яқин келажакда ушбу 1,5 млрд га яқин аҳолига эга бўлган мамлакатдан туристлар оқими ортиши кутилмокда.

Ўзбекистоннинг бир қатор меҳмонхоналари Хитойда хорижнинг етакчи туристик фирмалари билан келишувларга эришди. 2014й 27 май куни бир гуруҳ Ўзбекистон ишбилармонлари Хитойнинг Сиан шаҳрида бўлиб ўтган Халқаро саноат ярмаркасида иштирок этди. Ярмаркада Канада, Германия, Италия, Испания, Ўзбекистон, Австрия, Австралия, Япония, Жанубий Корея, Малайзия, Сингапур, Таиланд, Эрон, Ҳиндистон каби 35 мамлакат компания ва корхоналари нефть-кимё, тўқимачилик, қурилиш материаллари ишлаб чиқариш соҳаларидаги технология ва хизматлари, қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат саноати маҳсулотларини намойиш этган. Ярмаркага ташриф буюрганлар Ўзбекистоннинг саноат имкониятлари билан бир қаторда сайёҳлик салоҳияти билан ҳам танишган. Жумладан, “City

Palace”, “Registon Plaza” ва “Khorazm Palace” каби меҳмонхоналар хорижнинг етакчи туристик фирмалари билан келишувларга эришган.



Мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорлик борган сари ошиб бормоқда.

ХУЛОСА

Ҳар бир мамлакат туризм соҳасини ривожлантириш учун мазкур соҳага зарур бўлган инфраструктурани ривожлантиради. Шундай экан меҳмонхоналарни ривожлантириш аниқроқ айтганда унинг бўлимларини мазкур соҳа ривожланган мамлакатлардан ўрганиб, миллийликни тарғиб қилган ҳолда жорий этиш бугунги куннинг муҳим вазифасидир. Одатда, туризмни ривожлантириш омилларини кўчмас ва динамик турларга ажратишади. Кўчмас омилларга табиий-географик ва тарихий-маданий омилларнинг йиғиндиси киритилади. Улар ўзгармас ва доимий аҳамиятга эга бўлишади. Инсон фақатгина уларга етишишни осонлаштирган ҳолда уларни туристик эҳтиёжларга мослаштира олади. Динамик омиллар иккинчи, янада йирикроқ гуруҳга киритилади. Улар вақт ва макон бўйича ўзгариб турувчи аҳамият-баҳога эга бўлишади. Уларнинг қаторасига ижтимоий-иқтисодий, моддий-техник, сиёсий, маданий ва бошқа омиллар киришади.

Кўриб ўтилган маълумотлар, таҳлиллардан хулоса қилиш мумкинки, 2020 йилгача бўлган муддатда Хитой Халқ Республикасининг туризми яна ривожланади. Демак унга яқин бўлган мамлакатларнинг туризм ва меҳмонхона соҳасида ҳам ўзгаришлар кузатилади. Иккинчи эффект сифатида хитойлик туристларнинг дунёга ва жумладан Ўзбекистонга келиши янгича типда яъни Хитойлик туристларга мос ҳола ишлашни талаб қилади.

Ўзбекистон Республикасида туризмни ривожлантириш ва мос ҳолда жойлаштириш воситаларини Хитой тажрибасидан фойдаланган ҳолда шакллантириш бугунги куннинг муҳим вазифаларидан биридир.

ТАВСИЯЛАР

Тадқиқотлармиз натижасида қуйидаги **тавсияларни ишлаб чиқдик:**

1. ХХРда кенг жорий қилинган меҳмонхоналарни қуришда асосий "уч талаб"ни Ўзбекистонда янги қурилаётган меҳмонхоналарга жорий қилиш. (Иқлим, Миллийлик, Замонавийлик);

2. Хитой меҳмонхоналарида жорий қилинган кутиб олиш ва кузатишдаги миллий этикетни ўзбек миллий этикети асосида шакллантириш;

3. Кичик, ўрта ва ҳаттоки йирик меҳмонхоналарда кенг қўлланиладиган "Талаб-Нарх" тизимини Ўзбекистоннинг кичик меҳмонхоналарида жорий қилиш ва давлат тамонидан солиқни шунга мослаштириш;

4. ХХРдаги Туризм ва меҳмонхонани ўқитиш ўқув марказларида Ўзбекистон меҳмонхона соҳасида ишловчиларни стажировкага юборишни ташкил этиш;

5. БМТ қошидаги БТТ ташкилоти прогнозларига асосланиб, Хитойдан келадиган туристларни қабул қилиш ва жойлаштиришни шакллантириш учун хитой тилини ўрганишни ривожлантириш.

Ватанимиз ва ХХР билан ҳамкорлик нафақат ишлаб чиқариш ва сервис, меҳмонхона хўжалиги бўйича ҳам ривожланишда давом этади. Мазкур ҳамкорлик икки давлатга ҳам бирдек манфаатлидир.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР.

1. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2012 й., 20-сон, 215-модда.
2. Каримов И. 2009 йилнинг асосий яқунлари ва 2010 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 29 январдаги «Асосий вазифамиз – Ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир» номли маърузаси. «Халқ сўзи» газетаси, 2010 йил 29 январ.
3. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримовнинг 2009 йилнинг асосий яқунлари ва 2010 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 29 январдаги «Асосий вазифамиз – Ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир» номли маърузаси. «Халқ сўзи» газетаси, 2010 йил 29 январь.
4. 2015 йилга қадар Самарқанд вилоятида туризмни янада ривожлантириш, туристик хизмат кўрсатиш сифатини ошириш ва йўналишларини кенгайтиришга қаратилган дастури 2010 й.
5. Маматқулов Х. М. Туризм инфратузилмаси. Маърузалар курси. СамИСИ, 2009.
6. Маматқулов Х. М, А. Б. Бектемиров, И. С. Тухлиев, А. Н. Норчаев. “Халқоро туризм” Тош- 2009
7. Маматқулов Х.М. “Меҳмонхона ва туристик комплексларда хизматларни цҳкил этиш” Ўқув услубий қўлланма Сам-2011
8. Тухлиев И. С, Р. Ҳайитбоев, Н. Э. Ибодуллаев, Р. С. Амриддинова “Туризм сасослари” Ўқув қўлланма.Сам-2010
9. Тухлиев И.С., Сафаров Б. Туризм асослари. Касб-хунар коллежлари учун ўқув қўлланма.Тошкент «янги нашр» 2012

10. Филлиповский Е.Е., Шмарова Л.В Экономика и организация гостиничного хозяйства. Учебное.пособие.-М.: ФиС, 2006.

11. Интернет сайтлари:

www.inturunion.ru

www.world-tourism.org

www.vttk.org

www.tourism.uz

http|| www. oktogo.ru

www. wikipedia.org

www. about-franke.kom

www. frankeguide.kom

www. franketourism.kom

[www. travel.ru/france/](http://www.travel.ru/france/)

Иловалар:



Чўлда қурилган "LOTUS" меҳмонхонаси



Хитой Халқ Республикаси сиёсий харитаси



"Golden bridge" меҳмонхонаси (Пекин)